



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ
АКАДЕМИЯСИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ**

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ БЕШТА УСТУВОР
ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИНИ
АМАЛГА ОШИРИШДА ИҚТИСОДИЁТНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ
МАСАЛАЛАРИ»**

ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ТЕЗИСЛАР ТЎПЛАМИ

2018 йил 27 апрель



INTERNATIONAL SCIENTIFIC-PRACTICAL CONFERENCE

**«ECONOMIC DEVELOPMENT AND LIBERALIZATION
ISSUES OF IMPLEMENTATION THE FIVE PRIORITY
AREAS OF UZBEKISTAN'S DEVELOPMENT STRATEGY»**

27th April 2018



ТОШКЕНТ – 2018

Салаев Дилшодбек Хорижий инвестицияларни Ўзбекистон иқтисодиётга жалб этиш орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш	160
Мамасоатов Д. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш	162
Машарипова Манзура Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб қувватлаш механизмлари	164
Мейлиев Обид Макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлашда ҳудудлар иқтисодий ривожланишини таъминлаш имкониятлари	166
Алимов Боту Концепция административных реформ в республике узбекистан – новой этап развития социально-экономической и политической жизни страны	168
Муллабаев Бахтияржон Корхоналарда инновацион фаолиятини бошқаришда вертикал интеграция стратегияси	173
Нарматов Дилшод Иқтисодиёт тармоқлари энергия самарадорлигини ошириш иқтисодиёт юксалишининг муҳим омили	174
Ганибаева Шахноза, Сафарова Г. Экономическая дипломатия как фактор устойчивого развития государств	176
Равшанова Орзигул Норасмий иқтисодиёт ва унинг бартараф этишда солиқ сиёсатининг ўрни	179
Отабоев Шерзод, Мамадалиева Эльвира Повышение занятости населения как фактор устойчивого развития территорий (на примере г.п. Алмазар)	181
Исмаилов Равшан, Казаков Олим, Қозоқов Саидмухтор, Бахриддинов Азамжон Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кичик бизнес ва тадбиркорликда ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш масалалари	183
Раимжанова Мадина Макроиқтисодий барқарорликни ва иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишда кичик бизнеснинг ўрни	185
Саттаров Баходур Реал сектор корхоналарини банк кредитлари орқали молиялаштириш амалиёти	187
Саттаров Баходур, Пардаев Умиджон Реал сектор корхоналарини молиялаштиришда облигациялардан фойдаланиш	188
Ачиллов Суннатилло Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда пул-кредит сиёсатининг ролини янада ошириш ҳамда илғор тажрибаларни қўллаш истиқболлари	190
Зокиров Сайидфозил Ҳудудларни комплекс ривожлантириш дастурлари – давлат минтақавий сиёсатини амалга ошириш воситаси сифатида	191
Абдуллаев С.Р. Камерал назоратнинг самарадорлигини таъминлашда ташқи ахборот манбалар сифатини ошириш масалалари	193
Сабинова Лола О возможностях активизации участия женщин в малом бизнесе и частном предпринимательстве	195
Очилов С. Иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда солиқ механизмини такомиллаштириш йўллари	197
Исраилов Машраб Внедрение программного обеспечения в управление процессом технического обслуживания и ремонта: опыт работы и перспективы сокращения затрат на технологическом транспорте НГМК.	198
Ҳасанов Тоҳир Кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш ва ундан фойдаланиш тизимини бошқаришдаги янгича ёндашув	201
Шодиев Олимжон Акцизный налог: теоретические аспекты взимания	203
Ахмедова Мухаббат Рынок труда Узбекистана: современные тенденции и перспективы развития	206
Сайдахмедов Хикматулла Современное состояние и пути сокращения межрегиональной социально-экономической дифференциации	208
Валижонов Акмал Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашишни ривожлантириш масалалари	210

2. Повышение качества человеческого капитала. Для этого необходимо повышение качества подготовки кадров, организация обучения и переподготовки работников, содействие в развитии системы непрерывного специального образования.

3. Совершенствование информационной базы о вакантных местах. Создание надежной информационно-аналитической базы на региональном рынке труда обеспечит своевременное определение и прогнозирование потребности экономики городского поселка в кадрах.

4. Организация информационно-аналитической основы политики занятости в регионе, обеспечивающей широкое информирование населения.

5. Усиление координации деятельности региональных органов управления по регулированию совокупного рынка труда в рамках программ содействия занятости населения.

6. Расширение спроса на рабочую силу через сохранение и повышение эффективности функционирования имеющихся рабочих мест и создание новых на базе поддержки крупных и средних предприятий отраслей специализации, способных производить конкурентную продукцию.

7. Дальнейшее совершенствование структуры малого бизнеса. В первую очередь потенциальные предприниматели, ориентированные на производство продукции, требующей применения труда высокого качества.

Для улучшения состояния рынка труда г.п. Алмазар целесообразна координация усилий органов власти всех уровней в реализации политики в отношении регулирования рынка труда на базе научно обоснованной национальной программы содействия занятости населения.

ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИҚДА ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Равшан Исмаилов, Олим Казаков, Саидмухтор Қозоқов

Наманган муҳандислик-технология институти

Азамжон Бахриддинов - Наманган транспорт ва алоқа КХК

2018 йил юртимизда “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш йили” деб белгиланди. Бу йил тадбиркорлик фаолияти ривожига яна ҳам катта ҳисса қўшадиган йил бўлади. Президентимиз Ш.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мурожаатномаларида “фаол тадбиркорлик фаолияти” тушунчасига изоҳ бериб, қуйидагиларни таъкидладилар:

“Фаол тадбиркорлик деганда, биз рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир, энг муҳими, янги иш ўринлари яратиб, нафақат ўзини ва оиласини боқадиган, балки бутун жамиятга наф келтирадиган ишбилармон инсонларни тушунамиз. Бундай тадбиркорлар сафини кенгайтириш, жумладан, юқори технологиялар, илм-фаннинг энг сўнгги ютуқларига асосланган техника ва асбоб-ускуналарни мамлакатимизга олиб келиш ва жорий этиш учун уларга муносиб шароитлар яратиш бизнинг биринчи галдаги вазифамиз бўлиши шарт”⁵².

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Наманган вилоятида ҳам кичик бизнес жадал ривожланиб бормоқда. Вилоятда кичик бизнесни ривожлантириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида иқтисодийтадаги кичик бизнес субъектларининг ўрни ва улуши йилдан-йилга ортиб боришга эришилмоқда.

2017 йили кичик бизнес субъектларининг вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотигадаги улуши 70,6 фоизни ташкил этди. Иқтисодийтадаги асосий тармоқлари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар ҳажмида кичик бизнес субъектларининг салмоғи муттасил ошиб бормоқда.

⁵²Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисига мурожаатномаси. “Наманган ҳақиқати”, 2017 йил 23 декабрь, № 102 (19411)

**Наманган вилоятида 2015-2017 йилларда кичик бизнеснинг ривожланиши
кўрсаткичлари**

Кўрсаткичлар номи	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2017 йилда 2016 йилга нисбатан, %
Кичик бизнеснинг вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотигаги улуши, %	80,2	80,3	70,6	87,9
Кичик бизнес субъектларининг саноат соҳасидаги улуши, %	61,9	78,2	68,4	87,4
Экспортдаги улуши, %	63,5	93,5	66,7	71,3
Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, млрд.сўм	1350,7	2667,6	3901,7	146,2
Яратилган иш ўринлари сони, дона	27163	16524	37884	229,1

Наманган вилояти Давлат статистика бошқармаси маълумотлари асосида тайёрланди.

Шу билан биргаликда, кичик бизнеснинг вилоят экспортидаги улуши 2017 йили 2016 йилга нисбатан олганда камайди. Иқтисодиётдаги салмоғи ортиши билан биргаликда кичик бизнес субъектларининг экспортдаги улуши 2016 йилдаги 93,5 фоиздан 2017 йили 71,3 фоизга тушиб қолди. Чуқурроқ таҳлил қилиш мақсадида кичик бизнеснинг 2015-2017 йиллардаги ташқи иқтисодий фаолиятини таҳлил қилдик.

Жадвал маълумотлари кичик бизнеснинг ташқи иқтисодий фаолиятида бир оз муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда. 2015 йилда 139583,8 минг АҚШ долларилек экспорт амаллари бажарилган бўлса, 2016 йили 207831,2 ва 2017 йили 139583,8 минг АҚШ долларилек экспорт амаллари бажарилди. 2017 йили 2016 йилга ва ҳатто 2015 йилга нисбатан камроқ экспорт амаллари бажарилди. Экспорт ҳажмининг пасайиши маҳсулот ва хизматларнинг рақобатбардошлилиги даражасининг пасайишидан дарак беради. Бу ҳолатни ўнглаш ва рақобатбардошлиликни ошириш учун кичик бизнес фаолиятида инновацион жараённи амалга ошириш ва инновацион бошқарувни йўлга қўйиш талаб этилади.

**Наманган вилоятида 2015-2017 йилларда кичик бизнеснинг
ташқи иқтисодий фаолияти таҳлили**

Йиллар	Экспорт, минг АҚШ долл. (жисмоний шахслардан ташқари)	Ўтган йилга нисбатан % ҳисобида	Импорт, минг АҚШ долл. (жисмоний шахслардан ташқари)	Ўтган йилга нисбатан % ҳисобида
2017	118769,9	119,5	141781,2	102,6
2016	207831,2	148,9	260643	205,7
2015	139583,8	128,3	126738,5	82,2

Наманган вилояти давлат статистика бошқармаси маълумотлари асосида тайёрланди.

Кичик бизнес субъектлари истикболда самарадорлигини ошириб бориши учун қатор вазифаларни амалга ошириши талаб этилади. Самарали истикбол учун қуйидаги вазифалар муҳим ҳисобланади:

- истеъмолчиларга нима керак бўлса ўшани ишлаб чиқариш керак;
- товар ишлаб чиқаришни эҳтиёжваталабнитадқиқ қилгандан сўнгташқилэтишкерак;
- товарни истеъмолчига силжитишни барча бўғинларини маркетинг билан қамраб олиш мақсадида бир вақтнинг ўзида мақсадли йўналтирилган таъсир асосида бозор талабига мос келувчи товар ишлаб чиқариш стратегия ва тактикасини қўллаш;
- товарни яшаш даври барча босқичларини ишлаб чиқариш ва товар тақсимлашнинг ижтимоий ва иқтисодий омилларини ҳисобга олиш;
- ташкилот ва тармоқлар режасига нисбатан бозорни бирламчи эканлигини эшлаш;
- талаб ва таклифни баланслаштириш мақсадида режаларни тармоқлараро координациялаш ва ўзаро таъсирини ушлаб туриш;

Ушбу йўналишларни амалга ошириш натижасида кичик бизнес субъектларининг рақобатбардошлилиги даражасини оширишга эришилади, мамлакатимиз иқтисодий салоҳияти янада юксалишига муваффақ бўлинади.

МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ВА ИҚТИСОДИЁТ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШДА КИЧИК БИЗНЕСНИНГ ЎРНИ

Мадина Раимжанова, и.ф.н., ТМИ

Мамлакатимиз олдида турган долзарб масалалардан бири ижтимоий-иқтисодий ҳолатни янада яхшилаш, аҳолининг иш билан бандлиги ва ижтимоий аҳолини оширишдир. Жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, шуни айтиш мумкинки, бундай шароитда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун тижорат банклари томонидан ажратилаётган кредитлар асосий ўринни эгаллайди. Маълумки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жадал ривожланиб бораётган ва тез ўзгарувчан бозор иқтисодиёти талабларига тезда мослашувчан ҳисобланади. Бундан ташқари бу соҳа аҳолини иш билан таъминлашда, уларнинг даромадларини оширишда муҳим роль ўйнайди. Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлагандек, “Халқ бой бўлса давлат ҳам бой бўлади”. Шундай экан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ушбу (халқни бой қилиш) мақсадимизга эришишда муҳим омил бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Кичик бизнес ва тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш, жумладан, унинг ялпи ички маҳсулотлаштиришда аҳолини иш билан бандлигини таъминлашдаги улушини ошириш, технологик таркибий тузилишини такомиллаштириш, кредитресурсларига бўлган эҳтиёжини қондириш ва қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш каби йўналишларда тизимли чора-тадбирлар амалга оширилди. Шу каби муҳим ислохотлар натижасида 2016 йил давомида 32 мингга яқин ёки 2015 йилга қараганда 18 фоизга кўп янги кичик бизнес субъектлари давлат рўйхатидан ўтказилиб, ўз фаолиятини бошлади. Уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши муттасил ошиб бориб, 2016 йил якунлари бўйича 56,9 фоизни, саноатда эса 45 фоизни ташкил этди. Ҳозирги кунга келиб иқтисодиётда иш билан банд аҳолининг 78 фоизи мазкур соҳада меҳнат қилмоқда.

Бугунги кунда кичик бизнес корхоналарининг иқтисодиётдаги ўрни ва таъсири ортиб бормоқда. Масалан, 2000 йиллардаги кўрсаткичларни шу кундагиси билан солиштирадиган бўлсак, хусусий тадбиркорларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши 73%ни ташкил этган бўлса, ҳозирда бу кўрсаткич 98,4%ни ташкил этмоқда. Хусусий бизнеснинг улуши мос йилларда йўловчи ташишда 30%дан 87,3%гача, юк ташишда 6,7%дан 53,7%гача, саноатда 12,9%дан 66,7%гача, қурилиш 38,4%дан 66,7%гача ўсганлигини кўришимиз мумкин. Энг асосийси мамлакат экспортини оширишда кичик бизнес ҳам ўзига яраша ҳисса қўшмоқда. 2000 йилда кичик бизнес ҳиссасига экспортнинг 10,2%и тўғри келган бўлса, бугунги кунда 27,8%га тўғри келмоқда⁵³.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар миқдори 2014 йилда 9,158 трлн. сўмни ташкил этиб у 2013 йилга нисбатан 1,3 баробарга ошган, шундан 20,8 %ни микрокредитлар ташкил қилган (1-расм).

2015 йилга келиб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар миқдори 12,112 трлн. сўмни, микрокредитлар эса 2,526 трлн. сўмни ташкил этиб, 2014 йилга нисбатан 132,5%ни ташкил этган. 2016 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар миқдори 15,870 трлн. сўмни, микрокредитлар 3,326 трлн. сўмни ташкил этиб ўтган йилга нисбатан 1,3баробарга ортди. Таҳлил даври мобайнида микрокредитларнинг миқдори 10,3 баробарга ошган бўлса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар миқдори 8,6 мартага ўсган. Кўриниб турганидек кичик бизнес ва

⁵³ cbu.uz